

У зот юзларини ўгириб олдилар. Мен яна юз томонларига ўтиб:

«Албатта, у ёлғончи», дедим. У зот:

«Қандай қилиб? Ахир у икковингизни эмизганини даъво қилмоқда-ку! Уни қўйиб юбор», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиси шариф шаръий эмизиш собит бўлиш йўлини баён қилмоқда. Унда гувоҳлик орқали собит бўлиш мисоли келмоқда. Хусусан, эмизган аёлнинг ўзи гувоҳлик берганлиги зикр қилинмоқда. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур Уқба ибн Ҳорис розияллоҳу анҳуни хотинидан ажрашишга амр қилдилар. Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари иштирок этиб, ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туриб, чиқарган ҳукмларидир.

«Умумий ҳолларда бу масалада қандай тасарруф қилинади?» деган саволга Уламоларимиз барча далил ва ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги жавобни берганлар:

– Агар бир адолатли аёл эр-хотинга «Мен иккингишни ўзим эмизганман», деса:

1. Эру хотин бу гапни тасдиқласалар, дарҳол ажрашишлари керак бўлади. Бўлмаса, қози уларни ажрашишга мажбур қилади.

2. Эр-хотин у аёлни ёлғончи, десалар, никоҳлари бузилмайди. Лекин ажрашганлари афзал бўлади. Чунки адолатли шахснинг гувоҳлиги кучли нарсадир. Шубҳага тушган никоҳ эса афзал никоҳ бўлмайди.

3. Мазкура гувоҳ аёлни эр тасдиқлайди, хотин ёлғончи, дейди. Бу ҳолатда никоҳ бузилади. Эр маҳр тўлайди.

4. Гувоҳликни хотин тасдиқлайди, эр ёлғонга чиқаради. Бу ҳолатда никоҳ бузилмайди. Аммо хотин эридан қасам ичишни талаб қилиши мумкин. Қасам ичса, яшаб кетаверадилар. Қасам ичмаса, қози ораларини ажратиб қўяди.

Аслида эса шаръий эмизишнинг собит бўлиши учун ёки эр-хотин ўзлари иқрор бўлишлари керак. Бунда «Мен фалончини эмганман», деб айтиши шарт. Ёки адолатли икки эркак киши ёхуд бир эркак ва икки аёл киши биргаликда гувоҳлик беришлари лозим.

Битта адолатли эркакнинг, адолатли бир эркак ва бир аёлнинг ва адолатсиз кишиларнинг гувоҳлиги бу масалада қабул қилинмайди.

Шаръий эмиш ҳақидаги гувоҳликнинг қабул бўлиши учун бир неча шартлар бор.

1. Гувоҳ эмиш вақтини, боланинг ва эмизувчининг ёшани аниқ айтиши керак. Бўлмаса, гувоҳлиги қабул қилинмайди.
2. Неча марта эмиш бўлганини ҳам айтиши керак.
3. Икковларининг (боланинг ва эмизувчининг) қачон ажрашганларини ҳам айтиши керак.
4. Боланинг сутни ютганлиги, сут унинг қорнига етганини аниқ маълум бўлганлигини ҳам айтиши лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан